

**ИНВЕСТИЦИОН ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИДЛАР
ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ****Мавлянов Нуриддин Жамолидинович**

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси шўъба мудири

Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг самарали ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқишда давлатлар бир неча омилларни инобатга олишлари зарур. Булардан бири – миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришдир.

Айрим мамлакатлар ҳуқуқий тизимларини хорижий инвесторлар талабларига мослаштириш учун жорий қонунчиликни либераллаштиришга ҳаракат қиладилар. Бунинг амалга ошириш жараёнида давлатлар турли ҳил фискал ва регулятор сиёсатлардан фойдаланадилар. Лекин қонунчиликни либераллаштиришнинг ўзи етарли эмас, чунки инвесторлар учун ҳуқуқий ҳимоя ва инвестициявий низоларни ҳал қилишнинг самарали механизмларини таъминлаш ҳам муҳимдир.

Масалан, Германия ва Франция каби мамлакатларда хорижий инвестицияларга оид давлат сиёсатида узоқ муддатли қоидалар ва ҳуқуқий кафолатлар яратилган. Бу мамлакатларда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун алоҳида маъмурий судлар фаолият юритади.

Халқаро инвестиция фаолиятини тартибга солиш учта даражада амалга оширилади: миллий (ички), икки томонлама (масалан, инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама битимлар), кўп томонлама минтақавий (масалан, минтақавий преференциал савдо битимларнинг инвестицияларга бағишланган қисми) ҳамда универсал даражаларда.

Хорижий давлатлар тажрибасида маҳаллий қонунчилик ҳужжатлари тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг иқтисодиёт учун ижобий бўлган жиҳатларидан самарали фойдаланиш ҳамда улар туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган салбий таъсирларнинг олдини олишга қаратилганлиги гувоҳи бўламиз. Бу борадаги халқаро ҳужжатлар эса, одатда, инвесторларни қабул қилувчи давлатлар томонидан уларга нисбатан адолатсиз ҳамда қўрилмаган чоралар кўрилишидан ҳимоя қилишга, шунингдек, айрим ҳолатларда инвестицияларни рағбатлантиришга қаратилган бўлади.

Миллий даражадаги инвестиция фаолиятини тартибга солиб турувчи ҳужжатлар давлатлар томонидан тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг иқтисодиёт учун ижобий бўлган жиҳатларидан самарали фойдаланиш ҳамда улар юзага келтириши мумкин бўлган салбий таъсирларнинг олдини олишни таъминлашга қаратилган миллий қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши билан шакллантирилади.

Давлатлар ўзаро айнан бир турдаги инвестицияларни жалб қилишда рақобатлашётгани сабабли тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш мақсадида, улар одатда сармоялар киритиш учун ошқоралик ва очиқликни таъминлаш билан бирга, киритилаётган инвестицияларни ҳимоя қилиш учун қўшимча кафолатлар ва чораларни ҳам тақлиф этадилар. Бундай чоралар божсиз импорт ва экспортга рухсат берадиган эркин зоналар, тўғридан-тўғри субсидиялар ва бошқа молиявий имтиёзлар, чет эл инвестициялари бўйича турли кафолатлар (масалан, ички қонунларни барқарорлаштириш, солиқ имтиёзларини бериш ва валютани конвертация қилиш, сотишдан тушган даромад ва фойдани олиб чиқиб кетиш бўйича, яъни маблағларни эркин ўтказиш бўйича кафолатлар) кўринишида бўлиши мумкин. Улар тегишли давлатга хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида жорий этилади.

Шу ўринда, хорижий инвестициялар мамлакат иқтисодиётига фойда келтириши билан бирга, қабул қилувчи давлат учун бир қатор хавфларни ҳам келтириб чиқаради.

Жумладан, чет эл инвестициялари асосан миллий хавфсизлик ва мудофаа, давлат суверенитети, давлатнинг тўлов баланси (жумладан, келажакда инвестор томонидан катта миқдордаги маблағларни эркин олиб чиқиб кетилиши ёки инвестиция лойиҳасининг катта ҳажмдаги импортга асослангани сабабли), миллий sanoatни ҳимоя қилиш, табиий ресурсларнинг назорати ҳамда миллий кадриятларни ҳимоя қилиш каби бошқа номоддий масалаларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шунингдек, хорижий инвестициялар атроф-муҳитга зиён етказиш, ўрнатилган меҳнат ва инсон ҳуқуқларини бузиш, тегишли малакаларнинг етишмаслиги баҳонасида чекланган технология трансферини амалга ошириш, маҳаллий ишчи кучларининг бошқа давлатларга кўчириш орқали қабул қилувчи давлатда ишчи ўринлари сонининг қисқартириш, ўзининг устун мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатиш, инвестор билан ўзаро боғлиқ хорижий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги келишилган нарх-наво асосидаги трансферлар орқали маҳаллий солиқларни тўлиқ тўлашдан қочиш йўли билан ҳам қабул қилувчи давлатга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хорижий инвестицияларнинг қабул қилувчи давлатларга салбий таъсирларини шартли равишда “юмшоқ” ва “қаттиқ” хавф гуруҳларига бўлиш мумкин:

“Юмшоқ” хавфлар қуйидагилардан иборат:

- лицензияланган технологияларга қарамликнинг ортиб бориши;
- халқаро компанияларнинг бош офисларига маҳаллий интеллектуал салоҳиятли кадрларнинг (“утечка мозгов”) оқимининг ортиши;
- маҳаллий ишлаб чиқарувчилар сегментига ички бозорда босим ўтказилиши;
- хомашё ва бутловчи қисмларни импорт қилиш ҳажмининг ошиши, яъни уларни маҳаллийлаштириш ўрнига мавжуд етказиб бериш манбаларидан фойдаланиш;
- меҳнат қонунчилиги, экологик стандартлар ва бошқа ҳуқуқий меъёрларнинг бузилиши, харажатларни минималлаштириш ва олиб чиқиладиган фойдани ошириш мақсадида қонунчилик талабларига зид равишда фаолият юритиш;
- хорижий капитал билан ташкил этилган корхоналарнинг мамлакат ҳудуди бўйлаб нотўғри жойлаштирилиши (такрорий равишда ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, мавжуд ҳажмни ортиқча ошириш ва ҳоказо).

“Қаттиқ” хавфлар эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

- чуқур иқтисодий инкирозлар даврида хорижий инвесторлар молиявий йўқотишлардан ҳимояланиш мақсадида киритилган капиталларини олиб чиқиб кетишга интиладилар, бу эса қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётига ҳалокатли таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, 1998 йилдаги жаҳон инкирози айрим Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан (Таиланд, Жанубий Корея) капитал чиқиб кетиши сабабли бошланган эди. Бунга мазкур мамлакатларга “оммавий” хорижий инвестициялар киритилгани сабаб бўлган.
- қабул қилувчи мамлакат ҳукумати фаолиятига обрўли халқаро компаниялар ва инвесторлар томонидан иқтисодий ва сиёсий аралашув хавфи, жумладан, ўз мулкани ҳимоя қилиш ниқоби остидаги босим.
- капитал қўйилмалар ўзини қоплаганидан кейин, реинвестиция қилинаётган фойданинг ҳажми ортиб бориши билан узоқ муддатли истиқболда мамлакатнинг тўлов балансига салбий таъсир кўрсатиши.

Шу сабабли ҳам давлатлар миллий қонунчиликлари воситасида бундай хавфларни ва салбий таъсирларнинг олдини олишга ҳаракат қилишади. Тўғридан-тўғри хорижий

инвестицияларини жалб қилиш баробарида, улар юзага келтириши мумкин бўлган юқорида саналган салбий таъсирларнинг олдини олиш мақсадида, давлатлар ўзларининг тегишли миллий қонун ҳужжатларида турлича ёндашувларни қўллашларини кузатиш мумкин.

Масалан, улар иқтисодиётнинг муайян соҳаларига хорижий инвестицияларининг киритилишини чеклашлари, чет эл инвестициялари киритилишидан аввал уларнинг мажбурий тасдиқдан ўтказилишини талаб этиши мумкин. Шунингдек, миллий қонунчиликда тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари:

- инвесторлар маҳаллий тадбиркорлик субъектлари билан инвестиция қилиш учун қўшма корхона тузиш;
- яқуний маҳсулот ишлаб чиқариш учун фақат қабул қилувчи давлатда ишлаб чиқилган маҳсулотлардан фойдаланиш (маҳаллий манбаларлардан фойдаланиш талаби);
- ўз импорти қийматини мавжуд экспорти қийматига тенглаштириш (савдо балансини таъминлаш);
- келишилган экспорт кўрсаткичлари талабларини бажариш;
- фақат белгиланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш (ишлаб чиқариладиган маҳсулотни белгилаб қўйиш);
- янги технологияларни киритиш шартлари асосида киритилиши мумкинлиги ҳам белгилаб қўйилган бўлиши мумкин.

Бошқа шу каби чоралар қаторига, шунингдек, ерга эгалик қилиш, инвестицияларни қайтариш ёки валютани конвертация қилиш бўйича чекловларни киритиш мумкин. Қабул қилувчи давлатлар ушбу турдаги шартлар ва чекловларни жорий этиши билан бирга, уларнинг иқтисодиёти ҳали ҳамон тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари учун жозибадор бўлишига ҳам эришишлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Xo'jamurodov A. J. RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA INVESTITSIYA FAOLIYATIDA DAVLAT ISHTIROKINI TARTIBGA SOLISHNING METODOLOGIK ASOSLARI //Архив научных исследований. – 2022. – Т. 4. – №. 1.
2. Samatov S. INVESTITSIYA FAOLIYATINI DAVLAT TOMONIDAN TARTIBGA SOLISHNING MEХANIZMI VA DASTAKLARI //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 6. – С. 24-28.
3. Ibragimova A. LEGAL STATUS OF SUBJECTS OF NATURAL MONOPOLIES //Science and Innovation. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 87-93.
4. Ibragimova A. R. Natural monopolies in uzbekistan //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 11. – С. 551-553.
5. Ibragimova A. TABIIY MONOPOLIYA SUBYEKTLARINING HUQUQIY MAQOMI //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. C5. – С. 87-93.
6. Cherednychenko O. O. European securities regulation, private law and the investment firm-client relationship //European Review of Private Law. – 2009. – Т. 17. – №. 5.